ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00412

ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ МЕЗОНЛАРИ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ТАЛҚИНИДА

Хуршида Пулатовна Кенжаева
Бухоро давлат тиббиёт институти катта ўқитувчиси
kenjayeva70@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Шарқ фалсафасида ижтимоий фаолликнинг моҳияти ва функционал хусусиятлари таҳлил қилинган. Қадимги Шарқ фалсафаси, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида инсоннинг маънавий камолотига оид талқинларга алоҳида эътибор қаратилган. Шарқ мутафаккирларининг давлат ва жамиятни бошқариш хусусидаги фикрлари очиб берилган.

Калит сўзлар: Ижтимоий фаоллик, ислом фалсафаси, маънавий баркамоллик, ахлоқий қоидалар, фуқаролик жамияти

CRITERIA OF CIVIL CULTURE IN THE INTERPRETATION OF EASTERN PHILOSOPHY

Khurshida Pulatovna Kenjayeva
Senior teacher of Bukhara State Medical Institute
kenjayeva70@mail.ru

ABSTRACT

The article analyzes the essence and functional features of social activity in Eastern philosophy. Special attention is paid to the spiritual improvement of a person in philosophy, socio-political and moral views of the Ancient East. The views of oriental thinkers on the management of the state and society are revealed.

Keywords: Social activity, Islamic philosophy, spiritual excellence, morality, civil society

КИРИШ

Ижтимоий ҳаётда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар кишиларнинг онгига, ҳаёт тарзига ва ижтимоий фаоллигига таъсир этмай қолмайди, чунки демократия том маънода халқ манфаатларига, кўпчиликнинг орзу тилакларини рўёбга чиқаришга имкон беради. Айниқса, ҳозирги пайтда,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00412

демократия умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилаётганида ижтимоий фаолият (фаоллик) билан демократия, демократик ўзгаришлар бир-бирини тақозо этувчи воқеликка айланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалари Б. Алиев, Ҳ. Бобоев, Д. Бобожонова, Л. Бойко, К. Джавакова, Ш. Жалилов, Р. Жумаев, С. Жўраев, З. Исломов, Г. Кўчқорова, Ш. Мамадалиев, М. Мирхамидов, Ф. Мусаев, Х. Одилқориев, А. Саидов, Б. Тўйчиев, А. Тўлаганов, С. Тўйчиева, А. Шайманова, М. Шарифхўжаев, Э. Халилов, И. Эргашев, М. Қирғизбоев, А. Қодиров, З. Қодирова, О. Ҳусанов каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Тадқиқот методларига анализ ва синтез, ретроспектив таҳлил, ҳужжатлар таҳлили (контент анализ) киради.

НАТИЖАЛАР

Инсоннинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини англашга, ижтимоий фаолиятининг моҳияти ва хусусиятларини очиб беришга бўлган интилиш мудом илм аҳлининг диққат марказида бўлиб келган. Файласуфлар ушбу муаммони турлича талқин қилиб келдилар. Масалан, хитой файласуфлари Осмон – Ер – Инсон ёки конфуцийчиликда эътироф этиладиган “ли” – жамият, давлат ишларини урф-одатлар, Осмон (Космос) ҳукмлари, тартибларига мувофиқ бошқариш [1], ҳинд-буддавийликнинг тарафдорлари қайта ва қайта туғилиш асосида “азоб-уқубатларга тўла дунёдан нирванага ўтиш” [2], Платон ва Аристотель эйдос ёки историцизм [3] принципларига мувофиқ етук жамиятга бориш, ислом ва ислом фалсафаси Аллоҳ тартибларига итоат этиш орқали инсоннинг маънавий-руҳий камолотига эришиши концепцияларини илгари сурганлар [4].

Ижтимоий фаоллик генезисига кўра, инсоннинг борлиқни англаш, ўзгартириш, такомиллаштириш, ўзидаги интеллектуал, ижодий кучни намоён этиш, эл-юрт манфаатларига хизмат қилиш ўйи билан яшаш, фидойилик кўрсатиб ўзининг инсонийлик, фуқаролик бурчини бажаришга қаратилган хатти-ҳаракатларидир. Ушбу хатти-ҳаракатлар ранг-баранг, ижтимоий борлиққа йўналтирилган фаолият турлари билан боғлиқдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00412

Шарқ фалсафасига кўра, ижтимоий фаоллик инсоннинг маънавий-руҳий кечинмаларисиз, ҳатто ушбу кечинмаларни шакллантирадиган трансцентентсиз кечиши мумкин эмас. Тадқиқотчи М.Т.Степанянцнинг қайд этишига кўра, Шарқ кишиси ўзининг худо, трансцендент орқали юксак ишларга, фаолиятга қодир эканини ҳис қилади, дин унинг учун догма эмас, балки ҳаётий идеал, юксак маънавий изланишга ундовчи маёқдир [5]. Демак, шарқ кишиси ижтимоий фаолиятни ташқи дунёни ўзгартириш омили деб эмас, балки ички маънавий-руҳий дунёсини бойитиш имкони деб билади. Муҳими шундаки, Шарқ спиритуализми «инсон – фаолият – дунё» тизимини Худо, Аллоҳ, Яратган орқали яхлит бирлик деб қабул қилади, ижтимоий фаоллик ушбу яхлит бирликни асраш, сақлаш воситасидир [6].

Қадимги Шарқ фалсафаси, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида «бирорта таълимот, мактаб, жамият ва давлатни бошқариш, борлиқни такомиллаштириш, Осмон билан Ер ўртасида ва кишилараро муносабатларда камолотга эришиш инсонни маънавий такомиллаштиришга, унинг тарихий-маданий тажрибаларга содиқлигига боғлиқлигини конфуцийлик каби изчиллик ва собирлик билан ҳимоя қилмаган» [7]. Конфуций фикрича, «Агар киши бошқарув ишларида ўзига раво кўрмаган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўрмаса, бошқалар томонидан оиласида ҳам, давлатда ҳам душманлик кўрмайди». Конфуцийликнинг ҳимматли жўмард тарбияси тизимидаги ҳикматлари ҳам диққатга сазовордир. «Ҳукмдор – ҳукмдор бўлсин, хизматкор – хизматкор, ота – ота бўлсин, ўғил – ўғил» [8] деган қоида конфуцийлик сиёсий-фалсафий таълимотининг негизини ташкил этади. Ҳар бир киши жамиятда ўз ўрнини билиши, ўз иқтидорига мувофиқ меҳнат қилиб яшаши зарур.

«Мабодо, – дейди Конфуций, – жамиятда бошқариш, урф-одатлар ва нарсалар тартиби ўрнатилмаса, ҳеч нимага таяниб бўлмайди» [9]. Тўғри, ҳар қандай бошқариш маълум бир тартиб, анъаналарни тақозо этади, мудом янгиланадиган тартиб ёки анъаналар тизимда бошбошдоқлик, хаосни юзага келтиради. Ушбу тартиб ва анъаналарни мутафаккир Осмон талабларига бўйсунишда кўради. Унинг таълимотига кўра, олижаноб эр Осмон талабларига итоат этади, уларни бузишдан қўрқади, шунинг учун у инсонпарвар ва бошқарувни тўғри амалга оширадиган кишидир, «урф-одатларга амал қилиш инсонпарварликдир», кимда-ким урф-одатлар талабларига риоя этса, Осмон остида у инсонпарвар ҳисобланади, ушбу талабларни бузиш, уларга итоат этмаслик эса кишини «ўжар», ҳатто ахлоқсиз қилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00412

Конфуций ахлоқни қонунлардан юқори қўйган. Унинг фикрича, «агар халқ қонунлар ёрдамида бошқарилса, тартиб жазолар билан қўллаб-қувватланса, одамлар жазолардан қочадиган, хижолат тортмайдиган бўлиб қолади. Агар халқ эзгулик ёрдамида бошқарилса ва урф-одатлар ёрдамида тартиб ўрнатилса, халқ хижолат тортадиган ва тўғри яшайдиган бўлади».

Ислом дини ва маданияти жаҳон халқлари тафаккурига, фалсафасига беқиёс таъсир этиб келади. А. Ш. Жузжоний ёзганидек, ислом «Шарқ ўлкаларида тарқалиб Ўрта Осиё халқларининг асосий динига айланганидан кейин, Мовароуннаҳр ҳудуди ислом дини тарқалиши ва «Улуми шаръия», айниқса, фиқҳ, тафсир, ҳадис, калом илмлари, шунингдек, араб тили ва унга тегишли фанлар ривожининг марказига айланди ва ушбу фанлар бўйича буюк алломалар камолга етиб чиқишининг гувоҳи бўлди» [10]. Улар қаторида энг аввало Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий каби алломаларни тилга олиш зарур. Айнан ушбу буюк зотлар Шарқ давлатчилигига оид илк назарий-сиёсий қарашларни яратишга катта ҳисса қўшганлар.

«Қадимги Шарқ олимларининг асарларидаги шаҳар-давлатлар (полислар) билан боғлиқ давлат тузуми ҳақида қизиқарли қарашлар мавжуд, – деб ёзади З. Исломов, – чунончи, ал-Форобий асраб-авайловчи бошқарувни ташкил этиш усулларини ўрганиш, шаҳарлар аҳлига эзгулик ва фаровонлик қай йўсинда келиши ҳамда уларга эришиш ва шу неъматларни асраш йўлларини қандай топишни кўрсатиб бериш зарур, деб ҳисобларди. Ушбу қарашларини у ўзининг «Фозил кишилар шаҳри», «Давлат арбоби ҳикматлари» ва «Фуқаролик сиёсати» асарларида батафсил баён этган. Мазкур асарларида у ўзи умум бахтиёрликка эришиш йўли деб билган олий ҳукмдорлик санъатига кенг ўрин берган» [11]. Буюк аллома ал-Форобий «фуқаролик жамияти» тушунчасини қўлламаса ҳам, биз ҳозир назарда тутаётган концепцияга яқин қарашни илгари сурган.

Форобий Шарқ фалсафасида биринчи бўлиб қонун устуворлигини таъминлаш масаласини қўяди ва қонунга итоаткорлик давлатни асрашнинг кафолати эканини асослайди. «Ҳоким, – деб ёзади Форобий, – аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирида яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиши учун қувваи ҳофизага, … агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиши даркор» [12].

Шунингдек, Форобий давлат ва жамиятни биргаликда бошқариш ғоясини илгари суради. Агар юқоридаги ўн икки фазилат бир одамда эмас икки одамда жам бўлса, уларнинг икковини, агар шундай фазилатлар бир гуруҳ кишиларда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00412

жам бўлса, ушбу гуруҳ кишиларни юрт раҳбарлигига қўйиш зарур. Буни замонавий тил билан айтганда парламент бошқаруви дейиш мумкин. Форобийнинг қуйидаги фикрлари фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурларга жуда яқиндир: «Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонларда фуқаролик жамоасига эҳтиёж туғилади… Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин».

Фуқаролик жамияти учун зарур бўлган институтлар (масалан, сиёсий партиялар ёки инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини таъминловчи институтлар) бўлмагани тарихдан яхши маълум. Абу Али ибн Сино “Тадбир манзил”, “Китоб ул –инсоф”, “Шифо” каби асарларида давлат ва жамият тўғрисидаги ўзининг илмий қарашларини мужассамлаштириб, фозил жамият ва давлат тўғрисида ўзига хос лойиҳани илгари сурди. У таъкидлаган жамиятда “иш (фаолият) билан шуғулланмайдиган, унга белгиланган ўринни эгалламаган бирон киши ҳам бўлмаслиги керак” [13]. Инсон бахтли ва фаровон яшаши учун онгли равишда олдинга қараб интилади, ҳаракат қилади ва бу интилиш, ҳаракат натижасини олдиндан билади, яъни у келажагини ўйлаб ҳаракат қилади. Шунга кўра ибн Синонинг таъбирича, инсонда аниқ келажакка йўналтирилган мақсад бўлиши керак. Бу фуқаролик маданиятининг энг муҳим мезонларидан биридир. Ҳақиқатан ҳам, мақсадсиз инсон фаолияти (айниқса, ижтимоий характерга эга фаолияти) йўқ, инсон нимани амалга оширишга интилса, унга “функционал мақсад” юклайди [14]. Ибн Синонинг уқтиришича, фозил жамоада кишилар яшаш қоидаларига риоя қилиши, унинг аъзолари фаолияти устидан жамоат назорати ўрнатилиши, ўрнатилган ижтимоий қоидалар юқоридан пастгача муқаррар бўлмоғи лозим.

МУҲОКАМА

Ижтимоий фаоллик инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида, жамиятда тутган мавқеи, ҳуқуқи орқали ҳам белгиланади. Ибн Сино ўзининг “Рисолати тадбири манзил” асарида шундай ёзади: “Одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг асосий сабабидир”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00412

Ибн Сино ҳақиқий инсонпарвар мутафаккир сифатида инсон аҳлининг ҳар томонлама ривожланишига, табиат сирлари ва ҳақиқатни билиши мумкинлигига ишонган. Шунинг учун ҳам мутафаккир одамлар орасидаги адоват ўчоғини қуритишга чақиради. Инсонлар бир-бири билан софдил, самимий бўлса, бир ёқадан бош чиқарса, ҳар қандай мушкулликлар осонлашади. Ҳар қандай қийинчилик ҳал бўлишга ва ҳақиқат сирларини очиш мумкинлигига қаттиқ ишонган. У одамларни илм йўлидаги қийинчиликлардан чўчимасликка, дадил, собитқадам бўлишга ундайди. «Одамларнинг ботири, - дейди Ибн Сино, – келажакдаги ишдан, мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир» [15,18].

Ибн Сино ҳам бахтли, фаровон жамият ҳақида фикрлар юритган. Минг афсуски, мутафаккирнинг фалсафий-сиёсий қарашлари акс этган «Бахт ҳақида», «Бахтга етмоқ ҳақида», «Илоҳий сиёсат ҳақида» каби асарлари бизгача етиб келмаган. Бироқ унинг «фуқаролар жамоасини бошқарувчи киши Оллоҳ ва Илоҳий Руҳ талаблари ва иродасига кўра қонунлар ўрнатиши лозим», шунингдек, «Уй юритиш ҳақида рисоласи»да эса ҳукмдорларнинг ахлоқий мукаммаллиги масаласини махсус тадқиқ этиб келтирган, ҳукмдорнинг ўз қалбини, руҳини такомиллаштириб бориши сиёсатнинг асосий қоидасидир [16,19], деган фикрлари эътиборга лойиқдир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, «жамоа ўзига шоҳ сайлайди»; маърифатли, оқил шоҳ адолатли, ҳимматли, «ўнг қўлида қилич», «сўл қўлида бойлик», «тилида шакардан ширин сўз» бўлади [17,20].

ХУЛОСА

«Фуқаролик жамияти» тушунчасини илмга Ғарб мутафаккирлари олиб кирган бўлсалар-да, фуқаролик жамиятига хос белгиларни Шарқ ижтимоий-сиёсий, фалсафий тафаккурида учратиш мумкин.

REFERENCES

1. История Китайской философии. – М.: Прогресс, 1989. – С. 78-79.
2. Радхакришнан С. Индийская философия. Т.1. – М.: Изд-во иностр. лит-ры, 1956. – С. 12-18.
3. Платон. Сочинение в трех томах. Т. 3. Часть 1. – М.: Мысль, 1971. – С. 224-225; Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т. 4. – М.: Мысль, 1983. – С. 60-63.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00412

4. Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-мусульманских философов средневековья. – М.: Мысль, 1989. – С. 52-58.
5. Степанянц М.Т. Восточная философия. – М.: Восточ.лит-ра, 2001. – С. 11-12.
6. Имам Хазрат Хан. Метафизика. – СПб.: Питер, Харьков: Лит.М.,2008. – С. 12-14.
7. Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.– Б. 52.
8. Древнекитайская философия. Т.1. – М.: Мысль, 1972. – С. 144.
9. Радуль-Затуловский Я.Б. Конфуцианство и его распространение в Японии. – М.-Л.: АН СССР, 1947. – С. 144.
10. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 9.
11. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – Б. 14.
12.Абу Наср Форобий . Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 160–161.
13. История политических и правовых учений. М.1991.с.136
14. Яценко А.И. Целепологание и идеалы. – Киев: Наукова думка, 1977. – С. 108.
15. Ибн Сино Фалсафий киссалар. 13-бет.
16.Болтаев М.Н. Абу Али Ибн Сина – Великий мыслитель, учёный-энциклопедист средневекового Востока. – Тошкент: Фан, 1980. – С.146.
17. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 345, 355.
18. Khajieva I. et al. Foreign language competenceformation of the future teacher of vocational education in the information and educational environment //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 360-365.
19. Zhabborova O. I., Kenjaeva H. P. Bases of gender equality of rights in Uzbekistan //Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2018. – №. 5-2.
20. Кенжаева Х. П., Тожиев Ф. И., Жураев Б. Н. РОЛЬ ЖЕНЩИН В СОЗДАНИИ И РАЗВИТИИ ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ //Инновации в технологиях и образовании. – 2014. – С. 119-123.